

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 7-FEVRAL, PAYSHANBA, 16 (8097)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

Жиззах Вилояти



ВАТАН, ХИЗМАТИНГГА БОҒЛАНДИ БЕЛЛАР!

Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармасида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақруви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарори асосида йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш тadbири бўлиб ўтди.

Вилоятда йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш ва хизматдан қайтганларни кутиб олиш тadbирлари ҳар йили шодиёналарга айланади. Бу галги тadbир ҳам шундай ташкил этилди. Унда аскарликка қақрилувчилар билан бирга уларнинг ота-оналари, улар истиқомат қилаётган қишлоқ ва маҳаллалар аҳли, меҳнат ва уруш фаҳрийлари ҳамда жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этишиб, тadbир тантанаворлигини янада оширишди.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг йигин пункти ҳовлиси эрта тонгданоқ ёшларнинг кувноқ кулгулари, ҳазил-мутойибалари, бадий жамоаларнинг куй-қўшиқлари билан ажиб тароват ва маҳобат касб этди. Барча ҳаяжонда. Айниқса, ота-оналар чеҳрасию ҳаракатларида ўзгача кувонч ва гурур акс этади. Ахир, фарзандлари аскар бўляпти.

(Давоми 2-саҳифада)

САҲИФАЛАРДА:



НАВОЙ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ 3




МУАТТАР ХИДЛАР ДАРДЛАР ДАВОСИ 5



ТИЛЛА «ЖОМАДОН» 7

НАВОЙИЙ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Алишер Навоий маънавиятимиз шаклланиши, она тилимиз, адабиётимизда миллий ифтихоримиз тимсолига айланган мутафаккир шоир, давлат ва жамоат арбобидир. У ўзининг ижодида йигирма олти мингдан зиёд сўздан иборат дуру гавҳарлар тизгинини қўлга олиб, туркий тилнинг мўъжизавий қудратини, ўзига хос жозибасини тараннум этган, асрлар оша “Назмий саройни титратиб” келаётган улғу шоир, бетакрор истеъдод соҳиби. Унинг бой адабий мероси ҳаёт қомусига ўхшайди.



Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ буюк ажодларимиздан қолган маънавий меросни кўз қорачигимиздек асраб-авайлаш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, миллий адабиётимизни ривожлантириш, навқирон авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш Президентимиз раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди. Бунинг самараси ўлароқ, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пойтахтимизда буюк бобомиз Алишер Навоий номи билан аталувчи файзли боғ ва унинг ҳайкали қад ростлади. Ҳозирда йилнинг тўрт фаслида мазкур боғ юртдошларимиз билан гавҳум. Айниқса, ушбу маскан шоирнинг таваллуди арафасида каттаю кичик адабиёт илосмандлари билан тўлиб тошади. Адабий кечалар ўтказилади. Шоир ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилади.

Шаҳримизнинг марказий кўчаларидан бирига Алишер Навоий номи берилган. Бу ҳам башариёт эъзозидеги шоирга бўлган эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Сўнгги йилларда ушбу кўча юртимизда миллий меъморчилигимиз анъаналари замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ, тарихий жозибасини сақлаган ҳолда ўз номига муносиб янги меъморий қиёфа, кўриниш касб этди.

Ушбу кўчада Мустақиллик

майдони, Хотира хиёбонига ҳамоҳанг тарзда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ўз ичига олган Маърифат марказининг муҳташам биноси қад ростлади. Ҳозирда бу даргоҳда қанчадан-қанча илмталаб ёшлар яратилган шарт-шароит ва қулайликлардан фойдаланиб, билим уфқини янада кенгайтираётир. Агар таъбир жоиз бўлса, Алишер Навоийнинг бебаҳо мероси сингари Маърифат маркази минглаб кўнгилларга маърифат нурларини улашмоқда.

Дарвоқе, ушбу кўчада пойтахтимиздаги маданият-маърифий муассасалардан бири бўлган Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи ҳам жойлашган. 200 дан зиёд

шоир ва ёзувчиларнинг ижодий йўлини ёритувчи кўргазмалар сақланадиган бу масканда Навоий гулшани шарқ маънавияти хазинасининг калити сифатида қалбларга тоабод эзгулик уруғини сочаверади.

Айниқса, Алишер Навоий кўчасида Президентимиз Ислам Каримов ғояси ва ташаббуси билан яратилган 7 қаватли 8 уйдан иборат, 320 хонадонга мўлжалланган мажмуа ҳар жиҳатдан қулайлиги билан юртдошларимизга манзур бўлаётир. Мазкур уйларнинг биринчи ва иккинчи қаватларида ижтимоий-маиший, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашиши, кўча ва уйлар ўртасида турли манзарали дарахтлар ўтқазилиб, хиёбон ташкил этилиши

унинг жозибасини янада оширди. Ушбу иморатларга боққан ҳар бир инсон улғу бобомизнинг ҳар мисралари қатларига сингиб кетган инсонпарварлик, тинчлик ва оқойишталик, миллат равнақи, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, комил шаҳс тарбияси каби эзгу ғояларни ёдга олса, не ажаб.

Тошкент метрополитенининг Алишер Навоий бекатига тушган киши, шоирнинг “Хамса” достонига ишланган манзараларни кўриб, манзилга элтажак муборак йўлнинг қанчалар қутлуғ эканлигини дилдан ҳис этади. Аслида ўзини шу миллат ва халққа мансуб деб билган киши, у ёш-қари бўлмасин, барча Алишер Навоийнинг боқий меросидан баҳраманд.

Бугунги кунда юртимизда бобомизнинг ижодини ўрганиш, асарларини мукаммал ҳолда чоп этиш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш борасида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Буюк мутафаккир асарларидан иборат дастлаб йигирма жилдлик, сўнгра ўн жилдлик тўпламнинг нашр этилгани ҳам бу йўналишдаги эзгу ишларнинг яна бир намунаси.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилиниб, ижоди жаҳон олим ва тадқиқотчилари томонидан ўрганилаётгани улғу шоир даҳосига чексиз эҳтиром ифодасидир.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА

Навоий ҳикмати тарқибистонга сакр

*Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, Ҳақга
Деса бўлмас менинг учун яна бир халқ ярот.*

*Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,
Елга етмак мумкин эрматур чу сурбат кўргузуб.*

*Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монез
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилгил.*

*Буд ила нобуд чун ҳузну тарабқа арзимас,
Шод бўлма буд ила, ғам ҳам ема нобуд ила.*

*Дунёву уқбо иккиси жамъ ўлмас, эй рафиқ,
Кимки икки кема учини тутса, бўлур ғариқ.*

*Истасанг душманинг ўлғай санга дўст,
Кирмагил дўст била душман аро.*

*Йўлдин охир сурма султонмен дебон дарवेशни,
Ёт эт: йўлдинки, ҳар дарवेशу ҳам султон борур.*

*Ким кўрди экин жаҳонда, оё, хушлуқ,
То бир киши айлағай таманно хушлуқ,
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.*

*Кимки бир кўнгли бузғунинг хотирин шод айлағай,
Онча борки, Кабба вайрон бўлса, обод айлағай.*

*Кўнгул футур ўлмайин, роз очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.*

*Ким бу чаман ичра хиромон эрур,
Барчаси бир-бирига меҳмон эрур.*

*Пил ўлса сенинг хасминг, десанги, зарар топмай,
Бир пашишаға оламда еткурма зарар ҳаргиз.*

*Ранжа бўлма тилаб ортуқки, эрур осуда
Улки, Ҳақ ҳар не насиб айлади, хурсанд ўлмиш.*

*Ҳар югурган ёвушмас,
Ҳар айрилган қовушмас.*

*Ҳар неча давлат саҳоби сочса гавҳар бошинга,
Англаким, бир қатла барқи офатиға арзимас.*

*Ҳийла ожизлигдин айлар ошиқ, англа, эй кўнгул —
Ким, забунроқ ишқ аро Фарҳоддин Парвез эрур.*



БАНК САРМОЯСИ ОБОДЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Жамият тараққиётининг асоси, шубҳасиз, иқтисодий ислохотларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ва шу асосда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигига боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ иқтисодий салоҳиятни тобора мустаҳкамлаш, молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан молия тизимига катта эътибор қаратиб келинаётганлиги, айниқса, банклар фаолиятини янада ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугун ўз мевасини бераётир.

Ипотека-банк ҳам мазкур ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ҳолда юрт раванқи, халқ фаровонлиги йўлида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши ва шу асосида йил мазмун-моҳиятини белгилловчи Давлат дастурининг қабул қилиниши ушбу молия муассасаси зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юкляди. Жумладан, банк томонидан Давлат дастури доирасида жамиятимиз пойдевори бўлмиш мустаҳкам ва соғлом оила институтини шакллантиришни қўллаб-қувватлаш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, натижада жисмонан соғлом, маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини янада ошириш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқилиб, изчил тарзда ижроси таъминланди.

Банк томонидан аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун мўлжалланган турар-жой бинолари қурилишини молиялаштириш учун 64,7 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Ушбу молиявий кўмак туфайли Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида 908 хонадондан иборат 27 та турар-жой бинолари қад кўтармоқда. 2012 йил бошидан Ипотека-банк томонидан жами 12 та 347 хонадондан иборат кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди. Йил давомида 603 та ёш оилага 32,9 млрд. сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилди. Бундан ташқари, Мустаҳкам оила йили муносабати билан аҳолига қўшимча имтиёзлар яратилиб, банк филиаллари томонидан молиялаштирилган кўп қаватли турар-жойларни сотиб олиш учун бериладиган ипотека кредитлари муддати 10 йилдан 12 йилга, кредитнинг асосий қарзини қайтариш муддати бўйича белгиланган имтиёзли давр



эса 6 ойдан 1 йил муддатга узайтирилди.

Ўтган йилда банк томонидан "Ёш оилаларга истеъмолат кредитлари" чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, унга кўра, ёш оилаларга энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан истеъмолат кредитлари берилляпти. Ушбу йўналишда йил давомида 1530 га яқин ёш оилаларга 10,5 млрд. сўм миқдорда истеъмолат кредитлари ажратилди. Бу, шубҳасиз, ёш оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш, молиявий фаровонлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида аёлларнинг жамиятдаги ролини оширишга устувор масала сифатида алоҳида эътибор бериб келинмоқ-

да. Натижада аёлларимизнинг жамиятдаги фаоллиги тубдан ошди. Улар нафақат фарзанд тарбияси, ўз соғлиги учун қайғуришмоқда, балки жамоат ишларида ҳам ташаббус кўрсатишаётир. Ушбу йўналишдаги изчил сиёсатни қўллаб-қувватлаш мақсадида хотин-қизлар уй меҳнатини энгиллаштиришга қаратилган — оилаларга истеъмолат кредитлари ажратиш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилди. Бунга асосан оилаларга маиший ва ошхона электр асбобларини сотиб олиш учун 3 йилгача муддатга энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорда истеъмолат кредитлари ажратиш назарда тутилди. Ўтган йилда айнан шу мақсад учун 3,9 млрд. сўм миқдорда истеъмолат кредитлари расмийлаштирилди.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамла-

кат иқтисодиётини шакллантирувчи асосий куч ҳисобланади. Шу боис, давлатимиз томонидан соҳани ривожлантиришга кенг имконият яратиб берилмоқда. Бу борада тижорат банкларининг қўшаётган ҳиссаси таҳсинга лойиқ. Дастур доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ҳам банк томонидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга 2,7 млрд. сўмлик кредитлар берилганлиги фикримиз исботидир.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижро-

сини таъминлаш, тадбиркор аёллар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 36,1 млрд. сўм миқдорда кредитлар йўналтирилиб, 1590 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, ёш оилаларга тадбиркорлик фаолияти учун банк филиаллари томонидан 5 млрд. сўмлик микрокредитлар берилиб, 200 га яқин янги иш ўринлари ташкил этилди.

Юртбошимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, ўз бизнес лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишларига ёрдамлашиш ва шу орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлашга кўмаклашилмоқда. Шу мақсадда касб-хунар коллежи битирувчиларига қарийб 2,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Бу эса, ўз навбатида, 170 га яқин янги иш ўринлари яратилишига замин бўлди.

Бугунги кунда дунё миқёсида озик-овқат, жумладан, гўшт ва сут маҳсулотларига талаб ниҳоятда ортмоқда. Юртимизда эса бу борада улкан имкониятлар мавжуд. Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам айнан шу имкониятлардан самарали фойдаланиш йўлида муҳим дастуриллаб бўлмоқда. Натижада йилдан-йилга мамлакатимизда аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ва талабларини қоплаш даражаси яхшиланиб, экспорт салоҳияти ҳам ортмоқда. Ушбу молия муассасаси томонидан мазкур соҳани янада такомиллаштириш мақсадида 510 та шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларига қорамол сотиб олиш учун 1745 млн. сўмлик молиявий кўмак берилди.

Умуман олганда, Ипотека-банк Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, ўтган йил мобайнида изчил ва самарали фаолият юритди. Бу эса юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга муносиб улуш бўлиб қўшилди ва юрт ободлиги, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шодиёр ЙҮЛДОШЕВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «Йилнинг энг фаол журналисти – 2012» танловига марҳамат!

Хурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти – 2012" республика танловида қатнашишга таклиф этади.

Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририят тавсияси би-

лан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2012" танлови голиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда

ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти – 2012" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30, 35-хоналар.


Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Жийда — шифоси кўпдир жуда

Юртимизда жийданинг нон жийда, қантак қизил жийда, ширин жийда, хасак жийда, шарқ жийдаси каби ўнга яқин тури ўсади. Бу ўсимлик жой танламайди, ҳатто шўрхоқ ерларда ҳам ривожланаверади. Илдизда азот тўпловчи туганак бактериялар мавжуд бўлиб, у тупроқни озукабон минераллар билан таъминлайди. Шу боис, уни деҳқонлар “тупроқ мелиоратори” деб аташади.

Жийданинг пўстлоғи ва баргларидан тери ошладда фойдаланилади. Мевасида 40-67 фоиз фруктоза, глюкоза, органик кислоталар, витамин С, оқсил, минераллар (калий, фосфор ва бошқа элементларнинг тузлари), 30 фоиз ошловчи моддалар мавжуд. Данагида ёғ, гулларида хушбўй эфир мойи, баргларида эса витамин С бор.



Пишган мевасидан компот тайёрланади, спирт олинади. Меваси тегирмонда тортирилиб, буғдой унига қўшиб нон ёпилади.

Ибн Сино унинг меваси, барги, пўстлоғи, елими ва илдизидан сафро ҳамда йўталга қарши даволашда, қайт қилишни тўхтатишда, ичаклар яллиғланиши ва ич кетишининг олдини олишда кенг фойдаланган. Халқ табобатида жийда меваси ва унинг дамламаси болалардаги ич кетиш, нафас йўллари, меъда-ичак хасталиклариде тавсия этилган.

Мевасининг юмшоқ қисмидан яллиғланишга қарши сармарили доривор восита олинади. Бундан ташқари, буруштирувчи ва ични қотирувчи таъсирга эга. Шунинг учун препарат меъда-ичак касалликларини (энтероколит, ич кетиш ва бошқа) даволашда ҳамда оғиз шиллиқ пардаси, милк яллиғланиши, томоқ оғриши ва бошқа яллиғланиш касалликлариде ишлатилади. Тиббиётда камқонлик, тери қазқоқланиши, бўй ўсмай қолганда қўлланилади.

Ёмон ҳидлар туфайли бош оғриганда жийда истеъмол қилинса, оғриқ тезда тўхтайдди. Жийда иссиқ йўтални бартираф этади, меъдага қувват бўлади, сафронинг шиддатини синдиради, меъдага зарарли ҳидларнинг таъсири ва бегона моддалар қўйилишининг олдини олади. У сафронинг кўпайиши оқибатида ичакларнинг ички деворида ҳосил бўлган яллиғланишга шифо бўлади. Чақалоқларга жийда талқони едирилса, жуда фойдалидир. Бунда кунига жийданинг бир марта ейиш миқдори 50 донадан ошмаслиги зарур.

Жийданинг гули оқ ва сариққа мойилроқ бўлиб, ҳиди одамга ҳузур бағишлайди, вужудда қандайдир тетиклик ва ғайрат уйғотиб, юрак ва мияга қувват беради. Фалаж ва тортишиш дардига дармон бўлади. Шунингдек, унинг гули нафас олиш қийинлашганда истеъмол қилинади, меъда ва жигарнинг қувватини оширади, тиқилмаларни очади, бодларни ҳайдайди, сариқ хасталигига даво бўлади. Жийда гулининг истеъмол қилиш миқдори бир кунда бир марта 4,5 граммни ташкил қилади.

Агар жийда барги жароҳат ва яраларга қўйиб боғланса, наф бўлади. Хўл баргининг ўрнида куруқ баргидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Жийдадан ёғ ҳам олинади. Бунинг учун дастлаб жийда барги то эзилиб пишгунга қадар ёғда қайнатилади, кейин сузиб, барг қолдиқлари олиб ташланади. Идишда қолган суюқлик бўғим ва пайларга суртилади.

Жийда елими фармацевтикада ёғлардан эмульсия тайёрлаш жараёнида эмульгатор сифатида ишлатилади.

Акмал СОАТОВ, доришунос.



Муаллифлар хидлар ДАРДЛАР ДАВОСИ

Рухияти бузилган, асаблари таранглашган беморларни хушбўй ҳидлар билан даволашга уриниш қадим замонлардан буён қўлланилиб келинмоқда. Райҳон, раъно каби ҳиди ўткир гиёҳларни руҳияти бузила бошлаган бемор ётган хонага киритиб қўйишган. Кўзни қувнатадиган воситалар — чиройли очилган гуллар, каштанлар уй ичига илиб қўйилган. Уларнинг таомига ҳам гиёҳлар кўп қўшилган. Айниқса, ароматерапия, ҳозирги вақтда бутун дунёда кенг қўлланилмоқда. Асабни тинчлантирувчи хушбўй гиёҳлар бизнинг ўлкамизда мўл-кўл, фақат уни топиб фойдаланилса бўлди.

Салбий ҳис-туйғулар ҳаддан ошиб кетганини сезсангиз, райҳон, хушбўй ноклар, ёронгул, долчин, сарв дарахларининг барги ва гулларини топиб ҳидланг, хонангизга осиб қўйинг.

Қаттиқ чарчаганингизни сезсангиз, апельсин, ёронгул, лимон, қораарча, ялпиз ҳидланг.

Бош оғриғи, асаб толиқишида райҳон, қалампирмунчоқ (чиннигул), лимон, ялпиз ҳидланг, уларга қараб ўтиринг.

Уйқусизликда райҳон, ёсумангули, арпабодиён, долчин ҳидланг.

Ақлий толиқишда райҳон, ялпиз, тизимгул, қораарча, жамбил ҳидлаш фойда беради.

Хотира сусайганида райҳон, қалампирмунчоқ, атиргул, хушбўй олмаларни ҳидлаш ёки таомга қўшиб тановул қилиш керак.

Толиқишда райҳон, тизимгул, долчин, занжабил ҳидланади, чойга ёки таомга ҳам қўшилади.

Асаб бузилишида арпабо-

диён, ванилин, тоғрайҳон, лавзей ҳидланса, наф қилади.

Йиғлоқилиқда грейфрут, тоғрайҳон, лаванда, сандал ҳидланг.

Ваҳимага тушган одам арпабодиён, пўртахол, атиргул ҳидлаш ёки ейиш керак.

Рухий азобланишда апельсин, долчин, миртагул, ялпиз, атиргул, мармарак ҳидлаш лозим.

Тунда даҳшатга тушиш, кўрқкиш ҳолатлари юз берса, арпабодиён, апельсин, атиргул ва сандал ҳиди кўркувни кувади.

Терида асабий тарангликлар оқибатида доғлар пайдо бўлса, грейфрут, лимонўт, атиргул, мойчечак ҳидлаш зарур.

Соч тўқилишида грейфрут, занжабил, қарағай, мармарак, эвкалипт ҳидланса, фойда беради.

Қон томирлари босими ошганда ёронгул, лимон, қораарча, шивит ҳидлаш ёки дамлаб ичиш керак.

Юрак уриши тезлашганда

арпабодиён, ялпиз, лаванда ҳидланади.

Юракда оғриқ турса, ёронгул, лаванда, иланг-иланг, ялпиз, розмарин олмасининг ҳиди наф қилади.

Ошқозон оғриғида арпабодиён, ялпиз, йирик нок, тизимгул, сарв барги, райҳон, атиргул, қалампирмунчоқ, қарағай ҳидлаш фойдали.

Қонда қанд моддаси ошса, ёронгул, грейфрут, туринж, қораарча, эвкалиптни ҳидлаш ёрдам беради.

Мушаклар тиришишида тизимгул, қалампирмунчоқ, тоғрайҳон, занжабил, долчин, ялпиз, мойчечак, розмарин ҳидлаш лозим.

Вужуднинг ҳимоя кучлари заифлашганда арпабодиён, қалампирмунчоқ, тоғрайҳон, арча шохлари, қарағай, долчин, лимон, ялпиз, мандарин, миртагул, қораарча, оқарағай, розмарин, мойчечак, тоғжамбил, эвкалипт шохлари танага қувват беради.

М.ИСМАТОВ тайёрлади.

Уятчанлик ҳадик белгиси

Инсон табиатига қараб, нотаниш кимсалар билан турлича мулоқотга киришади. Айримлар тезда тил топишиб, оз фурсатда яхши суҳбатдошга айланади. Бошқалар эса янги танишларга мослаша олмай, уларни зериктириб қўйишади. Бу улардаги бир туйғу — уятчанлик билан боғлиқ.

Уятчанлик сабаблари турлича бўлиши мумкин. Бировлар ўз овозидан, кимдир эса кўриниши, хулқидан уялади, ҳатто ўз фикрини билдиришга кўрқадиганлар ҳам бор. Уятчанликнинг асосий сабабларидан бири кўркувдир.

Мутахассисларнинг кузатишича, киши жасур ва мард қахрамон иштирокидаги фильмларни кўрганда ёки шу ҳақда китоб

мутолаа қилганда ўша қахрамонга ўхшашни орзу қилади. Инсон мияси беихтиёр қахрамоннинг сўзлари ва ҳаракатларини такрорлашга ундайди. Унинг ҳаётини ўзиники деб қабул қилгиси келади. Гапларини ёки ибораларини ўз нутқида киритади.

Жасур ва ташаббускор одамнинг ёнида бўлиш уятчанликни енгишга ёрдам беради. Чунки бундай кишилар кенг жамоатчи-

лик олдида ўз фикрларини эркин билдириш қобилиятига эга. Бу борада улар сизга нисбатан хушмуомала ва раҳмдил бўлишлари ҳам аҳамиятли, акс ҳолда, феълингиздаги уятчанлик янада ошади.

Шу ўринда уятчанликни енгиш учун маслаҳат:

Оқ вараққа қалин фломастер билан ўзингизнинг ҳаётдаги мақсадингиз ва унга эришишга ҳалақит бераётган муаммоларни ёзинг. Уни уйингизнинг кўринадиган ёки сиз кўпроқ бўладиган жойига осиб қўйинг. Уни ҳар доим кўриб турсангиз, мия табиий равишда қўйилган мақсад сари йўналтира бошлайди. Секин-секин, ўзингиз сезмаган ҳолда олға интилишни бошлайсиз.

Зулфия АХМЕДОВА тайёрлади.



**«Ko'chmas mulk savdo xizmati»
МЧЖ ва унинг ҳудудий
филиалларининг танлов
савдоларига чиқарилган
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2011
йил 25 майдаги 147-сонли
қарори асосида ер
участкаларига бўлган доимий
фойдаланиш ҳуқуқларининг
2013 йил 7 январдан
30 январгача бўлган мuddатдаги
савдоси натижалари**

Самарканд вилояти филиалида 30.01.2013 йилда Ургут т. «Бешбулок» ҚФЙ Сариктепа маҳалласидаги сатҳи 2200,0 м.кв. автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси қуриш учун ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси – 550 398 сўм, сотилиш баҳоси – 800 000 сўм.

Фарғона вилояти филиалида 07.01.2013 йилда Учкўприк т. Учкўприк шаҳарчаси 1-зона ҳудудидаги сатҳи 3 000 кв.м. Спорт соғломлаштириш мажмуаси қуриш учун ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси – 1 095 690 сўм, сотилиш баҳоси – 2 500 000 сўм.

11.01.2013 йилда Кўқон ш. Мукумий шаҳарчаси 4-зона ҳудудидаги сатҳи 1 880 кв.м. Кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси – 1 009 748 сўм, сотилиш баҳоси – 1 100 000 сўм. **14.01.2013 йилда** Фарғона тумани ҳудудидан сотилган ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. 1. Аввал ҚФЙ 2-зона ҳудудидаги сатҳи 300 кв.м. Савдо дўкони қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 112 582 сўм, сотилиш баҳоси – 500 000 сўм. 2. Водил ҚФЙ 1-зона ҳудудидаги сатҳи 1 000 кв.м. Дам олиш маскани қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 458 246 сўм, сотилиш баҳоси – 600 000 сўм. 3. Сойбўйи ҚФЙ 2-зона ҳудудидаги сатҳи 600 кв.м. Иссиқхона ва ишчилар дам олиш уйлари (№3) қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 225 164 сўм, сотилиш баҳоси – 500 000 сўм. 4. Чимён ҚФЙ 2-зона ҳудудидаги сатҳи 600 кв.м. Савдо мажмуаси қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 225 164 сўм, сотилиш баҳоси – 400 000 сўм. 5. Миндон ҚФЙ 2-зона ҳудудидаги сатҳи 6 000 кв.м. Қурилиш моллари савдо дўкони ва ёғочни қайта ишлаш цехи қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 2 251 645 сўм, сотилиш баҳоси – 8 000 000 сўм. 6. Сойбўйи ҚФЙ 2-зона ҳудудидаги сатҳи 600 кв.м. Иссиқхона ва ишчилар дам олиш уйлари (№4) қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 225 164 сўм, сотилиш баҳоси – 450 000 сўм. 7. Сойбўйи ҚФЙ 2-зона ҳудудидаги сатҳи 600 кв.м. Иссиқхона ва ишчилар дам олиш уйлари (№2) қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 225 164 сўм, сотилиш баҳоси – 350 000 сўм. 8. Сойбўйи ҚФЙ 2-зона ҳудудидаги сатҳи 600 кв.м. Иссиқхона ва ишчилар дам олиш уйлари (№1) қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 225 164 сўм, сотилиш баҳоси – 300 000 сўм. 9. Чекшўра ҚФЙ Саткак МФЙ 2-зона ҳудудидаги сатҳи 120 кв.м. Савдо дўкони қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 45 033 сўм, сотилиш баҳоси – 100 000 сўм. 10. Водил ҚФЙ Бўстон кўчаси 1-зона ҳудудидаги сатҳи 300 кв.м. Чойхона қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 137 474 сўм, сотилиш баҳоси – 500 000 сўм. 11. Чимён ҚФЙ 1-зона ҳудудидаги сатҳи 4 000 кв.м. Иссиқхона ва ишчилар дам олиш уйлари (№1) қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 1 501 097 сўм, сотилиш баҳоси – 1 700 000 сўм. 12. Чимён ҚФЙ 1-зона ҳудудидаги сатҳи 4 000 кв.м. Иссиқхона ва ишчилар дам олиш уйлари (№2) қуриш учун. Бошланғич баҳоси – 1 501 097 сўм, сотилиш баҳоси – 1 700 000 сўм.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги «Болажон боғи»ни ободонлаштириш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — **486,206 млн. сўм**, қўшилган қиймат солиғисиз — **405,172 млн. сўм**, қурилиш муддати — **3 ой**.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел. (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85 ф.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предмети-нинг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжуд-

лигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 07 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011

йил 01 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда** ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Бухоро вилояти Бухоро тумани Гала-Осиё шаҳридаги «Наврўз» МФЙ Хўжаев кўчасида жойлашган туман прокуратураси маъмурий биноси қурилиши»

Буюртмачининг бошланғич қиймати — **754 720 000 сўм (КҚС билан), 628 933 400 сўм (КҚССиз).**

Қурилиш ишларини тугатиш муддати — **2014 йил 1 май.**

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳоқимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

Манзили: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари пред-

мети қийматининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишланганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча

равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси тақдим ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй, 18-хона. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — Юз минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй, 18-хона.**

Навоий вилояти Қизилтепа туманида жойлашган «Қизилтепа ун заводи» ОАЖ янги қурилаётган тегирмон линияси учун 13 м х 26 м, баландлиги 15,5 м ўлчамли тегирмон биносини ва 3 м х 9 м, баландлиги 3 м ўлчамли ёрдамчи бинони сендвич панел асосида қуриш учун

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 8436 555-23-71, ФАКС: 8436 555-32-55.



